O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI NAMANGAN VILOYATI
NORIN TUMANI HOKIMINING

Q A R O R I

2022 - yil 16 - dekabr 673-6-83-Q/22 Norin tuman hokimligi

Норин туманида дам олиш куни ярмаркаларини ўтказиш жойи ва муддатлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида ”ги Қонуни 6 ва 25-моддалари, Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 августдаги 253-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси бозорларида савдо фаолиятини ташкил этиш қоидалари”нинг 5 ва 57-бандларига асосан,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Норин тумани Ўзбекистон маҳалла фуқаролар йиғинининг 2022-йил 14-ноябрдаги 10-сонли тақдимномаси маълумот учун қабул қилинсин.

2. Норин туманида дам олиш куни ярмаркаларини ўтказиш жойи этиб Норин деҳқон бозори белгилансин.

3. Норин туманида дам олиш куни ярмаркалари ҳафтанинг якшанба кунлари соат 08:00 дан 16:00га қадар ташкил этилади.

4. Дам олиш куни ярмаркалар ҳудудида савдо ўринлари бепул берилсин.

5. Дам олиш куни ярмаркалари ҳудудида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ва уларни қайта ишлашдан олинган товарларни, шунингдек илгари фойдаланишда бўлган ноозиқ-овқат истеъмол товарларини сотишга рухсат этилсин.

6. Норин туман Давлат солиқ инспекцияси (И.Саримсоқов), ички

ишлар бўлими (У.Бойхонов), санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бўлими (Р.Маматқулов) ва бошқа манфаатдор ташкилотлар дам олиш куни ярмаркаларини тайёрлаш, ўтказиш ва ёпиш бўйича зарур тадбирларни амалга оширсин.

7. Ушбу қарор “Норин овози” газетасининг навбатдаги сонида расман эълон қилинсин ҳамда бир иш куни ичида туман ҳокимлигининг расмий веб-сайтига (norintuman.uz) жойлаштирилсин.

8. Мазкур қарор расман эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач кучга киради.

9. Мазкур қарордан норози шахслар юқори турувчи органга ёки судга шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

10. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари (И.Икромов.) зиммасига юклансин.

Tuman hokimi **Ж.Нурматов**